# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 4 декабрь, № 237 (5911) Чоршанба


# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 3 декабрь куни Оқсаройда «Лукойл нефть компанияси» очиқ акциядорлик жамияти президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.**





«Лукойл» компанияси Ўзбекистон ёқилғи-энергетика тармоғидаги йирик инвесторлардан биридир. Компания раҳбарияти ҳамкорлик муваффақиятларини, аввало, мамлакатимизда яратилган қулай инвестиция муҳити, иқтисодий барқарорлик кафолатлари ва асосий тармоқларни катта имкониятларида деб билади.

Президентимиз Ислом Каримов геология-қидирув ишларининг самарали амалга оширилиши «Лукойл нефть компанияси» очиқ акциядорлик жамиятига углеводород захирасини кўпайтириш ва юксак ҳамкорлик салоҳиятига эга ишончли шерик мавқеини мустаҳкамлаш имконини берганини таъкидлади.

Компаниянинг Ўзбекистон нефть-газ комплексига тўғридан-тўғри инвестициялари 3 миллиард 200 миллион АҚШ долларини, жорий йилнинг тўққиз ойи якунлари бўйича эса қарийб 500 миллион долларни ташкил этди.

Қандим конлар гуруҳини ўзлаштириш ва газни қайта ишлаш заводини қуриш консорциумини ташкил этишга тайёргарлик қўриш ҳамкорликнинг энг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Хусусан, учрашув чоғида Бухоро вилоятида газни қайта ишловчи замонавий заводни лойиҳалаштириш жараёни ва барпо этиш масалалари муҳокама этилди. Устюртдаги конларда ҳамкорликни фаоллаштириш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Айни пайтда «Лукойл» компанияси Ўзбекистонда учта истиқболли лойиҳани амалга оширмоқда. Хусусан, Маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битим доирасида Хаузак, Шоди, Қўнғирот участкалари ҳамда Қандим конлар гуруҳида геология-қидирув ишлари натижасида ва натижада 18,5 миллиард куб метр газ қазиб олинди. Ҳисор ҳудуди конларида олиб борилган ишлар натижасида 368,5 минг тонна нефть ва 2 миллиард куб метр табиий газ қазиб олинди. "Лукойл" Инвесторлар консорциуми таркибида Орол блоки ҳудудида геология-қидирув ишларини олиб бормоқда. Бу ишлар самарадорлиги қимматбаҳо хом ашё қазиб олиш ҳажмининг ўсиб бораётганида намоён бўлмоқда.

Учрашувда 2014 — 2020 йилларда Бухоро — Хива ва бошқа ҳудудлардаги конларда қатор йирик лойиҳаларнинг амалга оширилиши узоқ муддатли шерикликка янги суръат бағишлаши таъкидланди. Компаниянинг яқин 5 йилдаги инвестиция дастури қарийб 5 миллиард долларни ташкил этади.

Шунингдек, «Лукойл» компанияси И. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишга катта эътибор қаратаётгани таъкидланди. Ушбу олий ўқув юрти битирувчилари — юқори малакали ёш мутахассисларга жаҳон углеводородлар бозоридаги етакчи компаниялардa талаб катта.

Вагит Алекперов давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун ва «Лукойл нефть компанияси» очиқ акциядорлик жамиятининг Ўзбекистон нефть-газ тармоғидаги фаолияти натижаларини юксак баҳолагани, шунингдек, ўзаро манфаатли ва кенг кўламли лойиҳаларни амалга оширишда яратилган қулай шароитлар учун миннатдорлик билдирди. Меҳмон ўзи раҳбарлик қилаётган компания ўзбекистонлик шериклар билан узоқ муддатли ва самарали ҳамкорликни давом эттиришга тайёрлигини таъкидлади.

**(ЎзА).**

Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

# ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН БИР ГУРУҲ ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга қўшган салмоқли ҳиссаси, профессионал маҳорати ва ёрқин истеъдоди билан спорт соҳасида юқори натижаларга эришган учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:*

### «Ўзбекистон ифтихори»

**Махсталиев Аббосбек Мухаммадалиевич** — Тошкент шаҳри «Пахтакор» профессионал футбол клуби аъзоси

**Мўминова Нафиса Алишеровна** — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»

**Истомин Денис Олегович** — Теннис бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Санокулова Замиражон Бахтиёржоновна** — Бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Фармонов Мирзохид Шухратович** — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Халмуратов Мураджан Юлдашевич** — Велоспорт бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

*Самарали меҳнати, ташаббускорлиги ва алоҳида ютуқлари билан Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий ва маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлашга қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:*

### «Дўстлик» ордени билан

**Утемуратов Рустем Муратбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси

### «Жасорат» медали билан

**Исмоилов Ойбек Валижонович** — Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси посбони

**Йўлдашев Шерали Саффарович** — Жиззах вилояти Жиззах туманидаги «Қўшбармоқ» маҳалла фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари

**Талипов Бахтиёр Ходжимуратович** — Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар бошқармаси профилактика катта инспектори

**Худайкулов Эркин Эшимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегаралари ҳимоя қилиш қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби чегара районни назоратчиси

### «Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Мейлиев Анзор Артиқович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

### «Шуҳрат» медали билан

**Абдуллаев Баходиржон Ихтиёрович** — Навоий давлат кончилик институти талабаси

**Асқаров Тохиржон Абдуқаҳҳор ўғли** — Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги иқтидорли болалар академик лицейи ўқувчиси

**Атаджанов Жасурбек Абдушарибович** — «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Биллинг Телеком» филиали дастурчи-муҳандиси

**Болтаев Бехзодбек Матёқуб ўғли** — Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги 1-академик лицейи ўқувчиси

**Бурибаев Рустамджан Садикджанович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг Учувчилар мажмуаси «Боинг» ҳаво кемаси иккинчи учувчиси

**Жўраева Феруза Абдурахим қизи** — Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги «Шабнам-нурли замин» фермер хўжалиги бошлиғи

**Ортиков Мумтоз Тулкинжанович** — «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Бунёдкор» ёшлар телеклуби бош координатори

**Пирнапасов Аброр Толибович** — Ўзбекистон Миллий университети магистранти

**Рахмонов Хуршидбек Дилмуротович** — Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги «Кубаро-Диёр» фермер хўжалиги бошлиғи

**Тахиров Мурат Юлдашевич** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг «Uzbekistan airways technics» авиакорхонаси авиатехниги

**Тўйчиев Олимжон Алижонович** — Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети талабаси

**Шаробиддинов Билолиддин Бахтиёр ўғли** — Тошкент тиббиёт академияси талабаси

**Эрманов Орзумурод Шомурадович** — «Ўзбекистон металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамиятининг пўлат эритиш цехи устаси

**Юсупов Баходир Бахтиёр ўғли** — «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Қашқадарё вилояти Кенгаши матбуот хизмати етакчи мутахассиси

**Юсуфова Мунира Юсуфовна** — Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси

**Юлдашев Акмалходжа Авазходжаевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «Ўзбекистон» локомотив депоси «Afrosiyob» электропоезди машинисти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2013 йил 3 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

# ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2013 йилнинг 15 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўртача ҳисобда 1,05 баравар оширилсин.

2. 2013 йилнинг 15 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 96 105 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 187 970 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 187 970 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 115 340 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2013 йилнинг 15 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молиялаштириладиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2013 йилнинг 15 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 11 июлдаги ПФ-4547-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2013 йилнинг 15 декабридан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2013 йил 2 декабрь

# Оила фаровонлигининг муҳим шарти

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги олдидан "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан "Оила ва маънавият" мавзуида ижтимоий сўров ўтказилди. Натижалар жамиятимизда оилалар мустаҳкамланиб, уларнинг маънавий-ахлоқий ривожланиши янада юксалиб бораётганини ёрқин намоён этди.*

ИЖТИМОИЙ ФИКР

Тадқиқотларга кўра, фуқароларнинг мутлақ кўпчилик қисми Асосий Қонунимиздаги оилага доир нормалар амалиётда ҳам ўзининг яққол ифодасини топаётганини эътироф этган. Хусусан, аҳолининг 90 фоизи давлат томонидан оилалар муаммоларига қаратилаётган алоҳида эътиборни юқори баҳолайди. Ўзбекистон жамоатчилигида оила — одоб-ахлоқ ва тарбия бобида асосий роль ўйнайдиган маскан, деган фикр етакчилик қилади. Респондентларнинг 87 фоизи оила жамиятда маънавият ҳамда одоб-ахлоқни шакллантиришга энг кўп таъсир этаётган ижтимоий институт, деб ҳисоблайди.

Ижтимоий сўров натижалари республика аҳолиси давлат томонидан маънавий-ахлоқий соҳада олиб борилаётган сиёсат ҳақида ижобий фикрда экани, уни қўллаб-қувватлашини яққол тасдиқлади.

(Давоми 2-бетда).

# Оила фаровонлигининг муҳим шарти

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Одамларнинг маънавий қадриятлар боқий, одоб-ахлоқ қоидалари жамият асоси, моддий бойлик эса маънавий бойликдан устун бўла олмаслигига ишончи комил. Айни чоғда ўзбекистонликлар ўз оилалари моддий аҳволи ўсиб бораяпти, деб ҳисоблайди — респондентларнинг 73,5 фоизи бундай кўрсаткични жуда яхши, дея эътироф этишган.

Болали оилалардаги репродуктив ҳолат жинс, таълим даражаси ва моддий аҳвол каби ижтимоий факторларга умуман боғлиқ эмас, деган қараш мамлакат аҳолиси ижтимоий онгида ўз инъикосини топган. Оилада болалар сонини режалаштирадиган инсонлар учун фарзандларини оёққа турғазиш, уларнинг улғайишлари учун барча шарт-шароитни яратиб бериш энг асосий эзгу мақсаддир.

Натижалар таҳлили Ўзбекистон фуқаролари қайси миллатга хос эканлигини ўз она тили, ҳаёт тарзи, маданияти, урф-одатлари ҳамда анъаналари, она-ерга муҳаббати, Ватани билан ғурурланиши орқали ҳис этишини кўрсатди.

Ҳамюртларимизнинг фикрича, фаровон оилавий ҳаёт, бу — бахтли никоҳдан пайдо бўлган жуфтлик, ўзаро ишонч, меҳру муҳаббат ва ҳамжиҳатликдадир. Бинобарин, респондентларнинг мутлақ катта қисми ўз оилаларини мустаҳкам ҳамда бахтли, деб ҳисоблайди.

Кенг жамоатчилик замонавий оилалардаги қадриятларни қуйидагиларда, деб билади. Булар катталарга ҳурмат, камтарлик ва меҳнатсеварлик, жамиятда ўзини муносиб тутиш, кичиклар ва меҳрга муҳтожлар ҳақида ғамхўрлик қилишдир. Ёшлар ҳам катта авлод вакиллари ҳамда ота-оналарининг бу борадаги қарашларига тўлиқ қўшиладилар.

Тадқиқот ёши улуғларнинг фарзанд тарбиясида роли ошиб бораётганини намоён қилди — бугунги кунда уларнинг ҳаёт давомида тўплаган тажрибаси бу борада долзарб ва зарурдир. Бува ва бувиларимиз нафақат тарбия соҳасида катта хазинага эга, балки қадриятлар манбаи ҳамдир.

Сўровда иштирок этганларнинг таъкидлашига қараганда, одоб-ахлоқли, ўз Ватанига содиқ фарзандлар меҳнатсевар, ҳалол ва аҳил, ота ҳамда она томонидан ҳамжиҳатликда бошқариладиган, ўзаро тушуниш ва ишонч ҳукмрон бўлган оилаларда вояга етади. Респондентларнинг 90 фоиздан зиёди шундай, деб ҳисоблайди.

Мутлақ кўпчилик оилаларда фарзандлар онгига, аввало, меҳнатсеварлик, катталарга ҳурмат, ҳалоллик, ватанпарварлик ва мустақиллик каби пухта ахлоқий-маънавий фазилатлар ҳамда тамойиллар сингдирилади.

Сўров шундан далолат бердики, истиқлол йилларида фарзандларини олий маълумотли қилиш қадрияти ривожланган. Вояга етаётган авлодда нафақат ўқиш даврида, балки ҳаёти давомида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, соғлом турмуш тарзи яратишга бўлган барқарор қизиқиш ва эҳтиёж шаклланмоқда.

Социологик таҳлил шуни кўрсатдики, оилалардаги шахслараро муносабатларда анъанавийлик кўзга яққол ташланади. Чунончи, респондентларнинг мутлақ катта қисми ажрашиш ва фуқаролик никоҳига салбий қарайди. Уларнинг айтишича, бу Ўзбекистон халқининг ахлоқий мезонларига тўғри келмайди.

Оилавий тадбиркорлик ташкил этиш бўйича берилган саволга ҳар уч нафар иштирокчидан бир нафари ижобий жавоб қайтарган. Ўз бизнесини йўлга қўйишни хоҳловчилар ижтимоий-маиший, транспорт ва тиббиёт хизматлари кўрсатиш, чорвачилик ва қишлоқ хўжалиги секторида қайта ишлаш соҳасида фаолият юритишни истайди.

Хулоса ўрнида айтганда, ўтказилган тадқиқот оила — халқимизнинг асосий ҳаётий қадрияти ва ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб улғайтиришнинг муҳим омили эканлигини яна бир бор исботлади. Аҳолининг мутлақ кўпчилик қисми фикрича, давлатимиз раҳбари томонидан оилаларни ривожлантириш масалалари ва самарали оила сиёсатини ҳаётга татбиқ этишга қаратилаётган улкан эътибор шарофати билан истиқлол йилларида хонадонларнинг моддий фаровонлиги, ободлиги, ҳаёт сифати янада юксалиб, маънавий-ахлоқий бойлиги ошиб бормоқда.

**«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида Саиджон МАХСУМОВ тайёрлади.**

## ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар, солиқ ва бюджет сиёсатининг йўналишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрлари муҳокама қилинди.*

# Барқарор ривожланишнинг асосий омили

Тадбирда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган бир шароитда Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Давлат бюджети макроиқтисодий барқарорликни ҳамда мамлакат ЯИМнинг юқори суръатлар билан ўсишини таъминлашга, диверсификацияланган ва рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришга, аҳоли фаровонлиги ҳамда турмуш даражасини янада оширишга қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эгалиги кўрсатиб ўтилди. Маълумки, 2014 йилги Давлат бюджети Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 18 январдаги мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг асосий устувор вазифалари амалга оширилишини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Қайд этиб ўтилганидек, хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли учун солиқ юкини янада камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини ошириш ҳамда мустаҳкамлаш, солиқ солиш объектларини камайтириб кўрсатиш ва яшириш ҳолатларига чек қўйишга йўналтирилган солиқ маъмуриятчилиги чора-тадбирларини кучайтириш, шунингдек, ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш харажатларининг устуворлигини сақлаб қолиш солиқ сиёсати соҳасидаги асосий вазифалар бўлиб қолмоқда.

Солиқ юкини камайтириш борасидаги ғоят муҳим чоралар қаторида юридик шахсларга солинадиган фойда солиғининг базавий ставкасини 9 фоиздан 8 фоизга тушириш назарда тутилмоқда. Шунингдек, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича солиқ солинадиган база бюджетдан субсидиялар, текинга олинган маблағлар ва суғурта қопламалари суммаси миқдорида камайтирилмоқда.

Муҳокама жараёнида мамлакат бош молиявий ҳужжатида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларини кўпайтириш тамойилини сақлаб қолиш, таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданият ҳамда спортни молиялаштириш, шу жумладан, олий ўқув юртларининг ўқув-лаборатория бинолари, спорт заллари ва талабалар уйларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ҳамда жиҳозлашга маблағлар кўзда тутилгани алоҳида қайд этилди.

Бундан ташқари, иш ҳақи, стипендиялар, ижтимоий нафақалар ва пенсияларни инфляция суръатларидан юқори миқдорларда ошириш йўли билан аҳоли даромадлари ҳамда турмуш даражаси оғишмай ўсишини таъминлаш, бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, аҳолига кўрсатиладиган ижтимоий ёрдамнинг манзиллилигини кучайтириш, бюджетлараро муносабатлар тизимини янада ислоҳ қилиш ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мустақиллигини ҳамда даромадлар базасини кенгайтиришдан ва ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини юксалтиришдан манфаатдорлигини кучайтириш ҳам назарда тутилмоқда.

Сенаторлар ўз чиқишларида солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, шунингдек, 2014 йилги Давлат бюджетининг асосий параметрларига тўхталиб ўтдилар. Хусусан, жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва халқ фаровонлигини изчил ошириш, иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини сақлаб қолиш, саноат тармоқларини, йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш, қишлоқда намунали лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишини кенгайтириш бўйича фаол инвестиция сиёсатини амалга оширишнинг давом эттирилиши таъкидланди.

Шунингдек, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли даромадлари, турмуш даражаси ва сифати янада ўсишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларга алоҳида эътибор берилганлиги қайд этилди.

Мажлисда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

## ЯХШИ ХАБАРЛАР

*Хонқа туманининг Олажа қишлоғида "Хонқа дон маҳсулотлари" акциядорлик жамиятига қарашли нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси иш бошлади.*

### Янги корхона ишга тушди

Бунинг учун 360 миллион сўм миқдоридаги сармоя эвазига Германиянинг "Wachtel" компаниясига тегишли замонавий дастгоҳлар ўрнатилди.

Айни пайтда корхонада 24 киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир. Бу ерда ойига 55 миллион сўмликдан ортиқ 14 турдаги ширмой нон тайёрланиб, аҳоли дастурхонига тортиқ этилаяпти.

Эътиборли жиҳати, йил бошидан буён туманда амалга оширилган ана шундай истиқболли лойиҳалар ҳисобига 5110 та иш ўрни яратилди.

**Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Замонавий мажмуа

*Бухоро туманида "Азизим" деб номланган замонавий хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.*

Лойиҳа ташаббускори ҳунарманд аёл Гулшод Шодиева бўлди. Марказ аёллар сартарошхонаси, "Гўзаллик салони", тўй либосларини ижарага бериш шохобчаси ҳамда муҳташам маросимлар залидан иборат. Бу ерда, шунингдек, новвойхона ҳамда қандолатпазлик цехи фаолияти ҳам йўлга қўйилди. Натижада йигирма нафарга яқин киши учун доимий иш ўрни очилди. Бизнес лойиҳани амалга оширишда тадбиркор аёл банк томонидан ажратилган 250 миллион сўмлик кредит маблағидан оқилона фойдаланди.

Умуман, вилоятда жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркор аёлларга 22 миллиард сўмлик кредит ажратилди.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Хизмати элга манзур

*Конимех туманида Навоий кон-металлургия комбинати томонидан лойиҳа қиймати 180 миллион сўмлик замонавий маиший хизмат кўрсатиш маркази бунёд этилиб, ишга туширилди.*

Ҳозир бу ерда сартарошхона, фотосалон, тикувчилик шохобчаси, пойабзал таъмирлаш устахонаси фаолият юритмоқда. Уларда 20 нафардан ортиқ киши иш билан банд.

**Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## ҚАРОР ВА ИЖРО

# ТАДБИРКОРЛИК РАВНАҚИ

### иқтисодиётимиз юксалишида катта ўрин тутади



Бугунги ишбилармонлар кечаги ишлаб чиқарувчилардан тубдан фарқ қилади. Гап шундаки, улар эндиликда ўз ишининг устаси, иқтисодиёт илмининг билимдони сифатида жаҳон тажрибаларини пухта ўрганиб, замонга мос равишда фаолият юритишмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз тадбиркорларининг дунё бозорига чиқишида кенг имкониятлар эшигини очиб бераяпти. Буларнинг бари мустақиллик йилларида юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилиб, ушбу йўналишда ҳуқуқий асос яратилгани ва меъёрий ҳужжатлар ижроси изчил таъминланаётгани самарасидир, албатта. Исботми? 2005 — 2012 йилларда республикамизда ташкил этилган 5 миллиондан ортиқ иш ўрнининг 60 фоиздан кўпроғи мазкур соҳа ҳиссасига тўғри келган бўлса, айни пайтда бу кўрсаткич 75 фоиздан ошиб кетди. Шунинг ўзиёқ тадбиркорлик субъектлари иқтисодиётимизни юксалтирувчи асосий куч ва аҳолини иш билан таъминловчи муҳим манбага айланганининг тасдиғи эмасми?

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги "Сертификатлаштириш тартиботларини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан, "Ўзстандарт" агентлиги қошида Маҳсулотларни экспорт қилишга кўмаклашиш бюроси ташкил этилган, унинг зиммасига эса экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга стандартлаш, сертификатлаш, ёрлиқлаш, ўраш ва бошқа йўналишлар юзасидан халқаро ва мамлакатлараро талаблар бўйича бепул маслаҳат хизматлари кўрсатиш, уларда ана шу талабларни жорий этиш, шунингдек, маҳсулотларни хориж бозорларига чиқариш бўйича кўмак бериш сингари вазифалар юклатилган эди.

— Шундан келиб чиқиб, — дейди мазкур бюро директори Нурилло Ўрозқулов биз билан суҳбатда, — ўтган давр мобайнида ҳудудлардаги 7700 дан зиёд корхоналар фаолиятини ўргандик. Таҳлил жараёнида 176 та тадбиркорлик субъектида экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарилаётганлиги аниқланган бўлса, амалий кўмагимиз туфайли эса 34 та корхона раҳбарлари илк маротаба ўз маҳсулотларини чет эллик шерикларга сотиш бўйича шартнома тузишга эришдилар.

Тадбиркорнинг дунё бозорига чиқиши, табиийки, у таклиф этаётган маҳсулот сифатига бевосита боғлиқ. Бошқача айтганда, қачонки, товар халқаро стандартлар даражасида тайёрлансагина, ташқи бозорда ўз ўрнини топа олади. Шу маънода, бюро томонидан амалга оширилаётган ишлар натижасида "Global Komsco Daewoo", "Rav ekspress", "Gelion link", "Самарқанд-Жомбой шароб" каби корхоналарда ИСО, EN ва ГОСТ халқаро стандартлари асосида маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани айни муддао бўлди. Масалан, "Jannat makon Business" очиқ акциядорлик жамиятида доривор ўсимлик — ковулни саноат усулида қайта ишлаш ўзлаштирилгани унга чет эл бозорига кириш имконини берди. Яъни мутахассислар томонидан ковулни консерваланган ҳолда тайёрлаш бўйича Ўзбекистон давлат стандарти ишлаб чиқилгач, бу маҳсулотни Италия, Греция, Испания ва Франция давлатларига экспорт қилишга рухсат берилди.

Бюро жамоаси томонидан, шунингдек, Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан ҳам муайян ишлар амалга оширилаётгани диққатга сазовордир. Хусусан, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси билан ҳамкорликда хўжалик юритувчи субъектларда халқаро сифат тизимини жорий қилиш бўйича режа-жадвал ишлаб чиқилгани шулар жумласидандир.

Маълумотларга кўра, айни пайтда республикамиз корхоналари томонидан дунёнинг 90 га яқин давлатларига 1800 турдан ортиқ маҳсулот экспорт қилинади. Арманистон, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Польша, Греция, Япония, Миср, Ҳиндистон, Хитой, Беларусь Республикаси, Украина, Қозоғистон, Туркманистон давлатларида, айниқса, уларга талаб юқори.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига яратиб берилаётган шарт-шароитлар уларни иқтисодиётимиз равнақи йўлида эмин-эркин ва аниқ мақсад билан меҳнат қилишга даъват этмоқда. Маҳсулотларни экспорт қилишга кўмаклашиш бюроси томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар эса ишбилармонларимизни янги марраларни эгаллашга руҳлантирмоқда.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

## КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

*Тошкентда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларининг иккинчи миллий форуми бўлиб ўтди.*

*Унда таъкидланганидек, Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларининг изчил ривожланиши фуқаролик жамияти асослари мустаҳкамланишига, мазмун-моҳиятининг бойишига хизмат қилмоқда. Айни чоғда аҳолининг ижтимоий фаоллиги, мамлакатда кечаётган демократик ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси юксалишига ҳамда турли жабҳаларда кечаётган ислоҳотлар муваффақияти учун масъулияти ошишига кўмаклашмоқда. Бу жараёнда соҳага оид 200 дан ортиқ қонун ҳужжатларининг қабул қилингани муҳим аҳамият касб этмоқда.*

# Мамлакат тараққиётига дахлдорлик масъулияти

Зеро, мазкур ҳуқуқий асос нодавлат нотижорат ташкилотлари ривожланиши учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитни, уларни қўллаб-қувватлаш механизмларини яратди. Натижада нодавлат нотижорат ташкилотлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлиги, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, спорт ва соғлом турмуш тарзини оммалаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва бошқа соҳаларга оид долзарб масалаларни ҳал қилишда фаол иштирок эта бошлади.

Ҳозир мамлакатимизда 6 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда, биргина сўнгги уч йил ичида уларнинг сони 22 фоизга ўсди. Улар жамиятда одамларнинг миллий ўзликни англаб етиши, сиёсий маданияти ва юксак маънавияти мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда, аҳолида мустақил фикрлаш, ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш, демократик қадриятларни, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини улуғлаш туйғуларини тарбияламоқда.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг қабул қилиниши нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти кенгайиши ва фаоллашишига, уларнинг давлат органлари билан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир долзарб масалаларни ҳал қилишда ижтимоий шериклигини мустаҳкамлашга, давлат органлари томонидан қонун ҳужжатлари ва давлат дастурлари ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга қодир кучли институт сифатида шаклланишига туртки бермоқда.

Бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлари қонун ижодкорлиги жараёнида бевосита қатнашмоқда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонунлар ижроси, дастурлар бажарилишининг боришини мониторинг қилмоқда. Сўнгги уч йилда 800 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотларининг бу борадаги лойиҳалари қўллаб-қувватлангани бунинг ёрқин далилидир.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий форумининг ҳудудий босқичларида фуқаролик жамияти институтлари ташаббуси билан давлат бошқаруви органлари томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, таълим, бандликни таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, одам савдосига қарши курашиш соҳаларига оид муҳим давлат дастурларининг амалга оширилиши юзасидан жамоатчилик эшитувлари ташкил қилинди. Давлат органлари вакиллари форум иштирокчиларига юқорида кўрсатилган дастурлар доирасида бажарилаётган чора-тадбирлар ҳақида батафсил ахборот беришди, уларда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокини муҳокама қилдилар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, давлат билан турли соҳаларда ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқдилар.

Жамоатчилик эшитувлари нодавлат нотижорат ташкилотлари учун нафақат тегишли давлат тузилмалари фаолиятига баҳо беришга шароит яратди, балки очиқ мулоқотга йўл очиб, жамиятнинг эҳтиёжларини аниқлаш учун имкон берди. Бу натижалар, шубҳасиз, жойларда амалга оширилаётган чора-тадбирлар манзиллилиги ва самарадорлигини оширади. Давлат бошқаруви органлари раҳбарлари мавжуд муаммоларни ҳал қилишда нодавлат нотижорат ташкилотлари билан бақамти ишлашга келишиб олишди.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий форуми доирасида Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб вазифаларини ҳал қилишдаги иштироки бўйича қўшимча чора-тадбирлар дастури лойиҳасининг ишлаб чиқилганини алоҳида қайд этиш зарур. Зотан, унда республикамизнинг барча ҳудудларида бўлиб ўтган форумларда тақдим қилинган фикр ва таклифлар қамраб олинди, мазкур ҳужжатда давлат органларининг ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг эҳтиёж ва манфаатлари ҳисобга олинган бўлиб, комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни кўзда тутади. Дастурда биргаликдаги фаолият йўналишлари, аниқ чора-тадбирлар ва уларни амалга ошириш механизмлари белгилаб берилган. Унинг қабул қилиниши Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциациясига ҳамкорлар билан давлат ва жамоат ташкилотлари манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда, ННТ фаолияти самарадорлигини ошириш, уларни ташкилий ривожлантириш, ижтимоий шерикликни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш имкониятини беради.

— Биз илк маротаба нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда иштирок этдик, — дейди Самарқанд шаҳридаги "Сабр" ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш маркази директори ўринбосари С. Аҳмедова. — Мазкур чора-тадбирлар давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, фуқаролар фаоллигини оширишга хизмат қилади. Биз ҳам нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти самарадорлигини оширишга ҳамда бунга фуқароларни кенг жалб қилишга қаратилган бир қатор таклифларни бердик.

Миллий форумнинг республика босқичи доирасида мамлакат ижтимоий-иқтисодий дастурларини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаоллиги ва самарадорлигини, ташкилий ривожланишини оширишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Манфаатдор вазирлик ва идоралар, сенаторлар, депутатлар, хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар экспертлари, маҳаллий нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокида "Ижтимоий-гуманитар ривожланиш соҳасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш: Ўзбекистон тажрибаси" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда тажриба алмашилди, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Миллий форум доирасида тадбиркор аёллар, хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотлари учун Ўзбекистон "Тадбиркор аёл" ишбилармон аёллар ассоциацияси томонидан "Аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли" мавзуида анжуман ўтказилди. Тадбирда мамлакатимизда хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги миллий қонунчилик ҳақида батафсил ахборот берилди, жойларда кичик бизнесни ривожлантириш, аёллар бандлигини таъминлаш, қизларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, бу борада жамоат ташкилотларининг ролига бағишланган долзарб масалалар муҳокама қилинди. Шу билан бирга, жамиятда маънавий-ахлоқий муҳит, бағрикенглик ва конфессиялараро ҳамжиҳатлик ғоясини мустаҳкамлашга қаратилган давра суҳбати ҳам уюштирилди.

— Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларининг иккинчи миллий форуми фуқаролик жамияти институтлари фаоллиги сезиларли даражада ўсганининг, фуқаролик институтлари вакилларининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, мамлакатдаги демократик янгиланишларга дахлдорлик туйғуси юксалганининг яққол тасдиғидир, — дейди Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ижрочи директори Д. Отабоев. — Тадбирда жамоат ташкилотлари, давлат тузилмалари вакиллари мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва давлат органлари ўртасида ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш, самарали жамоатчилик назоратининг муҳим таркибий қисми сифатида мамлакатимизда рўёбга чиқарилаётган ислоҳотларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашнинг долзарб масалаларини муҳокама қилишди.

Миллий форум доирасида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва давлат тузилмалари ўртасида меморандумлар имзоланди, ҳуқуқни қўллаш амалиётини, фуқаролик жамияти институтларининг қонунчилик асосини такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқилди. Ёшлар ижод саройида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазма ташкил қилинди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда давлат тузилмаларининг энг фаол вакиллари ташкилотчилар томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий форуми ЎзННТМА, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон экологик ҳаракати ва бошқа ташкилотлар томонидан ташкил қилинди.

**Қобил ХИДИРОВ.**

# ЖАҲОН
## 24 соат ичида

### Енгиллик яратиб бермоқчи

*Исландия ҳукумати ипотека кредитлари олган фуқароларга енгиллик яратиб бериш мақсадида улар зиммасидаги қарзнинг маълум миқдоридан воз кечмоқчи.*

"Евроньюс" телеканали хабарига кўра, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли мамлакатда инфляция даражаси 38 фоиздан ошиб кетди. Бу эса аҳолининг тўлов қобилиятини анча пасайтириб юборди. Шуни инобатга олиб, ҳукумат 680 миллиард евро миқдоридаги ипотека кредитининг 920 миллион еврога тенг қисмини фуқаролар зиммасидан соқит қилишни режалаштирмоқда. Қарзнинг ярмидан кўпроғи бир йўла воз кечилса, қолгани уч йиллик солиқ имтиёзлари қўллаш йўли билан чиқариб ташланади.



*Икки йил муқаддам банкротликка учраган "Saab" (Швеция) автоконцерни фаолияти қайта тикланди.*

### Фаолияти қайта тикланди

Унинг иккинчи "умри" мамлакатнинг Трольхеттен шаҳридаги заводида "Saab 9-3 Aero" русумидаги автомобилни ишлаб чиқариш билан бошланди. 2014 йилнинг баҳор ойларидан эътиборан концерн ушбу модель негизида электромобиль тайёрлашни ҳам режалаштирмоқда.

Мураккаб вазиятга тушиб қолган "Saab"ни ўтган йили Швециянинг NEVS (National Electric Vehicle Sweden) консорциуми сотиб олган эди.

### Дастлабки хулоса



*Ўтган якшанба куни Нью-Йоркнинг Бронкс ҳудудида "Metro-North" компаниясига қарашли электр поезди рельсдан чиқиб кетган эди.*

Оқибатда тўрт киши ҳаётдан кўз юмди, 67 нафар одам жароҳатланди. Гувоҳларнинг сўзларига кўра, ўша вақтда транспорт воситаси одатдагидан бир оз тезроқ ҳаракатланган ва шу сабабли ҳам, кескин бурилиш жойида ҳалокат юзага келган. Аммо машинист бундай фикрларни инкор этиб, воқеа тормоз тизимининг ишдан чиққани билан боғлиқлигини таъкидлаган. Дастлабки текширув хулосаларига таяниб маълумот берган Нью-Йорк штати губернатори Эндрю Куомо, ҳақиқатан ҳам, хавфли муюлишда машинист тезликни ошириб юборганини билдирди. Чунки тормоз тизимида нуқсон аниқланмаган.

*Италиянинг Тоскана вилоятида жойлашган кийим тикиш фабрикасида ёнғин юз берди, дейилади "АР" ахборот агентлиги хабарида.*

### Фабрикада бахтсиз ҳодиса

Натижада етти киши ҳаётдан кўз юмди, тўрт нафар одам жароҳатланди. Аммо бу рақам яна ортиши мумкин. Чунки ёнғин корхона ёнида жойлашган ишчилар ётоқхонаси биносига ҳам ўтган. Воқеа сабаблари ҳақида ҳозирча маълумот йўқ.

### Ойда экин ўстирса бўладими?



*АҚШ Аэронавтика ва фазо миллий бошқармаси (NASA) мутахассислари 2015 йилда Ойда райҳон ва шолғом ўстириб кўрмоқчи.*

Шу мақсадда учириладиган аппарат самога ўсимлик уруғи жойлаштирилган махсус контейнерни олиб чиқади. У райҳон ва шолғомни худдики қобиқ сифатида ҳимоя қилади. Ичкарисидаги ҳаво беш кунга етади. Авваларок Халқаро космик станцияда, паст гравитацияли шароитда ўсимлик ўсиши исботланган. Ойда эса ҳам паст гравитацияли, ҳам радиацияли муҳитда уруғликнинг униб кетиш имконияти синаб кўрилади.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

● Реклама ва эълонлар ●

## Диққат!

Импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшадиган лойиҳалар, ғояларни аниқлаш ва амалга ошириш мақсадида Сирдарё вилояти ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамкорликда «Бизнес ғоя — 2013» кўрик-танловини эълон қилади. Кўрик-танлов жорий йилнинг 11 декабрь куни Гулистон шаҳрида бўлиб ўтади.

Мазкур кўрик-танловда барча юридик ва жисмоний шахслар, хорижий инвесторлар қатнашишлари мумкин. Аризалар жорий йилнинг 5 декабригача қабул қилинади.

Ғолиблар 5 та йўналиш ҳамда 50 та номинация бўйича аниқланади ва улар ташкилий қўмитанинг қимматбаҳо совғалари ҳамда дипломи билан тақдирланади. Шунингдек, лойиҳаларни амалга ошириш учун «ноль қиймат»да ишлаб чиқариш бинолари, барча коммуникацияга эга бўлган ҳудудлардан ер майдонлари, имтиёзли банк кредитлари таклиф этилади.

**Манзил: Гулистон шаҳри, Қаҳрамонлар хиёбони, 1-уй.**
**Телефонлар: (8-371) 230-78-78/80, (8-367) 221-11-01.**
**Call center: (8-371) 150-60-06.**

1956А/113

## «Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**I.** 2014 йил 7 январь куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Сариосиё тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган қуйидаги автомототранспорт воситалари қўйилмоқда:

● ЖИБ Сариосиё тумани судининг 2013 йил 5 сентябрдаги 1-142-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сариосиё тумани ИИБда сақланаётган, «ГБА СНГ ВАЗ 21099» русумли, давлат рақами 75 X 699 ВА, 1991 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

***Бошланғич баҳоси — 10 980 000 сўм.***

● ЖИБ Сариосиё тумани судининг 2013 йил 22 августдаги 1-140-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сариосиё тумани ИИБда сақланаётган, «Tico» русумли, давлат рақами 75 О 932 ВА, 1997 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

***Бошланғич баҳоси — 5 250 000 сўм.***

*Термиз шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган қуйидаги автомототранспорт воситалари савдога қўйилмоқда:*

● Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2011 йил 12 октябрдаги 19-1106/15042-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Т. Мирзаев кўчаси, 120-уйда сақланаётган, «ГАЗ-31029» русумли, давлат рақами 19 АА 772, 1993 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

***Бошланғич баҳоси — 808 500 сўм.***

Фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судининг 2012 йил 28 декабрдаги 1-4225-11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шўрчи тумани ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган, «Matiz best» русумли, давлат рақами 75 J 701 СА, 2011 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

***Бошланғич баҳоси — 16 500 000 сўм.***

*Шўрчи тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган қуйидаги автомототранспорт воситаси савдога қўйилмоқда:*

● ЖИБ Жарқўрғон тумани судининг 2013 йил 22 апрелдаги 4112-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шўрчи тумани, «Лайлакхона» МФЙда сақланаётган, «ВАЗ-21063» русумли, давлат рақами 19 Е 37 56, 1986 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

***Бошланғич баҳоси — 4 320 000 сўм.***

**II.** 2013 йил 24 декабрь куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Қумқўрғон тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган қуйидаги автомототранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

● Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 3 майдаги 19-1306/1179-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани, Чаёнтепа маҳалласида қарздор «Олтин чигит» қўшма корхонасининг омборхонасида сақланаётган, «КамАЗ-53212» русумли, давлат рақами 75/923 FAA, техник соз ҳолдаги автомашина

***Бошланғич баҳоси — 27 518 419 сўм.***

● «КамАЗ-53212А» русумли, давлат рақами 75/921 FAA, техник соз ҳолдаги автомашина.

***Бошланғич баҳоси — 27 518 419 сўм.***

● Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 3 майдаги 19-1306/1179-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани, Янгишаҳар маҳалласида сақланаётган, «Matiz» русумли, давлат рақами 75 / 872 FAA, 2004 йилда ишлаб чиқарилган техник соз ҳолдаги автомашина.

***Бошланғич баҳоси — 13 314 158 сўм.***

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2013 йил 24 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2014 йил 10 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш савдо санасидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal auktsion invest» МЧЖнинг Сурхондарё вилояти филиалидаги ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалининг МФО: 01063, СТИР: 302083379, 20208000204932168018 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларини топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

**Аукцион савдоси Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази» биносида ўтказилади.**
**Мурожаат учун телефон: (+99893) 792-78-18.**

***Гувоҳнома № 004059.***

2004А/870

## «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси
## «Ўзнефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси
## ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ

***қуйидаги кимёвий реагентни сотиб олиш бўйича 12/13-сонли тендер савдосини эълон қилади.***

| Лот сони | Номи | Миқдори |
|---|---|---|
| Лот № 1 | Циклогексан, SH | 1420,164 тонна |

***Тендер таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.***
***Циклогексан бир тоннасининг контракт баҳоси 2950 АҚШ долларидан ошмаслиги лозим.***

**Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:**
**Шўртан газ-кимё мажмуаси, 180300, Ўзбекистон, Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Шўртан қўрғони.**
**Тел./факс: (+99875) 780-87-74. Факс: (+99875) 221-09-04, 221-08-46.**
**Электрон почта: tender@sgcc.uz Web-site: www.sgcc.uz www.tenderweek.com**

2001А/45

## «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

*Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:*

**1.** Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2013 йил 21 августдаги 403/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Оқ қовоқ» ҚФЙда жойлашган бино-иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 132 700 869 сўм.***

**2.** Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2013 йил 21 августдаги 403/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Олтин водий 2-берк кўчаси, 59-уй.

***Бошланғич баҳоси — 3 239 768 715 сўм.***

**3.** Юнусобод тумани СИБ томонидан 2013 йил 3 июндаги 16555-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, Олой бозори савдо мажмуаси ичида жойлашган блок «Б».

***Бошланғич баҳоси — 969 839 417 сўм.***

**4.** Юнусобод тумани СИБ томонидан 2013 йил 3 июндаги 16555-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, Олой бозори савдо мажмуаси ичида жойлашган блок «А».

***Бошланғич баҳоси — 484 088 920 сўм.***

**5.** Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 2012 йил 5 апрелдаги 11338-39/25-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сирдарё кўчаси, 45-уй.

***Бошланғич баҳоси — 184 214 000 сўм.***

*Аукцион савдоси 2013 йил 19 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.*

**6.** Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 2012 йил 5 апрелдаги 11338-39/25-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Чирчиқ кўчаси, 28-уй.

***Бошланғич баҳоси — 47 288 278 сўм.***

*Аукцион савдоси 2014 йил 6 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.*

Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Realtor garant business» МЧЖнинг ОАТБ «Asia alliance bank» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204936050001, МФО: 01103, СТИР: 207125885.

Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-квартал, 3-уй, 1-хонадон.**
**Телефон: (8-371) 212-89-55.**

***Лицензия: RR-0052.***

**1.** Миробод тумани СИБ томонидан 2013 йил 4 октябрдаги 35272/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ц-1 даҳаси, 39-уй, 30-хонадон. Бошланғич баҳоси 59 719 198 сўм бўлган кўчмас мулкнинг аукцион савдоси Тошкент шаҳар Миробод тумани СИБнинг 2013 йил 18 ноябрдаги К-12-сонли хатига асосан тўхтатилганини маълум қиламиз.

**2.** Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2013 йил 21 августдаги 403/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, «Хумсон» ҚФЙ, Капал қишлоғида жойлашган «Олимпия» соғломлаштириш оромгоҳи. Бошланғич баҳоси 2 277 458 428 сўм бўлган кўчмас мулкнинг аукцион савдоси Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 28 ноябрдаги 1674/3-сонли хатига асосан тўхтатилганини маълум қиламиз.

2003А/380

## «ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАР ОЧМОҚДА!

O'ZBEKISTON havo yo'llari

**ТОШКЕНТ – ВОЛГОГРАД – ТОШКЕНТ**

*ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари*

**УРГАНЧ – ВОЛГОГРАД – УРГАНЧ**

*ҳар ҳафтанинг шанба кунлари*



**+99871 140-02-00**
**www.uzairways.com**

Сертификат № СЭ1-О

***«Ўзбекистон ҳаво йўллари» — хавфсизлик, барқарорлик, қулайлик!***

1916R/966

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

***очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

«Capital Realtor Group» МЧЖ Фарғона филиалида 2013 йил 24 декабрь куни соат 14.00 да объект бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархларда такроран қўйилмоқда:

**1.** Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2012 йил 8 августдаги 2-50/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтиариқ тумани, «Олтиариқ» ҚФЙ, «Зураймомо» МФЙда жойлашган, «1-Кўчма механизациялашган карвон» МЧЖга қарашли, қурилиш ости майдони 11 365,27 кв.м., фойдаланиш майдони 4 596,42 кв.м. бўлган, 0001-0012-литерлардаги сигирхона комплекси бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 479 913 514 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, яъни 2013 йил 20 декабрь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Ушбу очиқ аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулкка доир тақдим этилган ҳужжатлар билан танишиш, савдода иштирок этиш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва қўшимча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

**Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 22-уй.**
**Телефонлар: (+99873) 244-19-91, (+99890) 231-38-59.**

*Лицензия: № RR-0017.*

2005R/105

## «EFFECT REAL GROUP» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Фуқаролик ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2013 йил 27 майдаги 630/13-сонли ижро варақасига ҳамда Суд департаменти Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 29 ноябрдаги 01-6335/2, 6336/2-сонли хатига асосан, Қўқон шаҳри, 50-МФЙ, А.Т. Хўқандий мавзеси, 45-уй ёнида жойлашган, қурилиши тугалланмаган тўй маросимлари биноси.

***Бошланғич баҳоси — 300 000 000 сўм.***

Очиқ аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар 2013 йил 4 декабрдан бошлаб ҳар куни (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2014 йил 6 январь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Очиқ аукцион савдоси 2014 йил 8 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Мазкур кўчмас мулк 2014 йил 8 январь куни сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2014 йил 24 январь куни бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Шунингдек:

**1.** Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг 2013 йил 8 августдаги 2-50/2012-сонли ва Суд департаменти Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 26 ноябрдаги 01-6117/2-сонли хатига асосан, «1-Кўчма механизациялаштирилган карвон» хусусий корхонасига тегишли, Олтиариқ тумани, «Кўмирчи» МФЙ ҳудудида жойлашган 4-сонли савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 44 764 651 сўм.***

**2.** Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг 2013 йил 8 августдаги 2-50/2012-сонли ва Суд департаменти Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 26 ноябрдаги 01-6117/2-сонли хатига асосан, «1-Кўчма механизациялаштирилган карвон» хусусий корхонасига тегишли темир-бетон ишлаб чиқариш цехи.

***Бошланғич баҳоси — 543 935 836 сўм.***

Очиқ аукцион савдоси 2013 йил 24 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан шаҳар суд ижрочилари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Очиқ аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Effect real group» МЧЖнинг ОАТ «Савдогар» банки Фарғона вилояти бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704943278001, МФО: 00500, СТИР: 302128329.

Талабгорлар барча саволлар бўйича қуйида кўрсатилган манзилга мурожаат қилишлари мумкин.

Амалдаги тартибга асосан, аукцион ғолибига 5 банк кунидан кечиктирмасдан кўчмас мулк қийматини тўлаш шарти белгиланади.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Аҳмад Фарғоний кўчаси, 43-уй, «Effect real group» МЧЖ.**
**Телефон: (+99895) 404-54-84.**

***Лицензия: RR 0094.***

1999R/1136

## ОБОД ТУРМУШ МАНЗАРАЛАРИ

*Президентимиз шу йилнинг сентябрь ойида Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида фермерлар билан бўлган учрашувда кўп тармоқли фермер хўжаликлари сафини кенгайтиришнинг аҳамияти ҳақида атрофлича тўхталдилар. Зеро, фақат пахта ва ғалла етиштириш билангина чекланиб қолмай, қўшимча даромад олиш йўлларини излашга интилаётган фермер хўжаликлари иқтисодий жиҳатдан тез оёққа туриб бораётгани масаланинг нақадар долзарб ва ҳаётбахш эканлигидан далолат бермоқда.*

# Матонатда тенгсиз, кўнгли оқ инсонлар

Шу боис давлатимиз раҳбари ушбу масалага эътибор қаратар экан, ҳозирги давр фермерлари нафақат деҳқончилик сирларини пухта билиши, айни пайтда у иқтисодчи, ҳисобчи, селекционер, бизнесмен ҳам бўлиши даркорлигини уқтирадилар. Яъни бугунги ҳаёт олдимизга қўяётган янги вазифаларни яхши билиши, одамларнинг, айниқса, қишлоқ аҳлининг турмуш даражасини янада яхшилаш, маънавиятини юксалтириш, хусусан, ёшларимизга ҳар томонлама ғамхўрлик ва эътибор кўрсатишда фаол бўлиши зарур. Бунинг учун етиштирилган маҳсулотни қайта ишлашни ҳам йўлга қўйиш, жойларда кичик корхоналар ташкил этиш керак.

...Самарали ташаббус, яхши ибрат учқур қушга айланади. Ёзувчилар уюшмаси аъзоларидан бир гуруҳи сафида ижодий учрашувлар баҳонасида турли вилоятларда бўлганимизда, фермерлик ҳаракатида татбиқ қилинаётган эзгу ташаббуслар шиддатли қанот қоқиб, кутилган самаралар бераётганининг гувоҳи бўлдик. Жумладан, Фарғона вилояти ҳам бундан истисно эмас.

Фарғоналиклар ўз тиришқоқликлари ва интилувчанликлари боис оддий тупроқдан ақлбовар қилмас мўъжизалар ярата олиши билан азалдан донг таратган. Ўзбеклар бундайларни соддагина таърифлаб, “Ишнинг кўзини билади”, деб қўйишади. Ҳамма гап — улардаги ана шу қобилиятнинг янада тўлиқроқ намоён бўлишига кенг йўл очиб, муносиб шарт-шароит яратиб беришда.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш йўлида амалга оширилаётган чора-тадбирлардан ана шундай эзгу мақсадлар кўзланган. Натижа эса чакки бўлмаётганини жорий йилда пахтачилик, ғаллачилик, пиллачилик каби етакчи тармоқларда қувончли зафарларга эришилгани яққол тасдиқлаб турибди. Жумладан, Фарғонада ҳам қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини сердаромад соҳага айлантириш юзасидан белгиланган барча режаларнинг тўлиқ бажарилишига эришилмоқда.

Ҳозирги пайтда вилоятда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг 226 таси сабзавотчилик, 149 таси қорамолчилик, 47 таси паррандачилик, 54 таси балиқчилик, 46 таси асаларичилик, 55 таси интенсив ва 69 таси анъанавий боғдорчилик, 44 таси узумчилик, 12 таси гўштни қайта ишлаш, 20 таси сутни қайта ишлаш, 13 таси мева-сабзавотни қайта ишлашга ихтисослаштирилиб, белгиланган марраларга тўлатўкис эришилди. Сервис хизмати кўрсатувчи фермерлар сони 157 тага, қўшимча ишлаб чиқариш ва хизматлар ташкил этувчи фермерлар қарийб 900 тага етди.

Бундай ўзгаришлар боис 9 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди. Аслида, энг муҳими мана шу. Муқим иш жойига эга бўлиш фаровон турмуш кечиришнинг бош ўзанидир.

### Кўп тармоқли хўжаликлар парвози

Хўжалигида қўшимча тармоқларни йўлга қўйиш эвазига миллионлаб сўм даромад олишга муваффақ бўлаётган фермерлар ҳақида гап очилса, фарғоналиклар Қува туманидаги Исақжон Насриддинов бошлиқ жамоани биринчилар қаторида тилга олишади.

Чиндан ҳам, 112 гектар ерга эгалик қилаётган, 32 нафар ишчисининг ризқига ризқ қўшиб келаётган Исақжон бирин-кетин қўшимча тармоқларни ташкил этиб, қувончли ютуқларни қўлга киритди, хўжалиги тобора бақувват бўлиб бораверди. Энди унинг қарамоғида 170 бош қорамол, 55 бош от, кўплаб қўй-эчкилар мавжуд. Шу орада қуёнчиликка иштиёқи ошиб, Германиядан “Резн”, Бельгиядан “Фландр” зотли қуёнларни олиб келди. Натижа кутилганидан-да юқорироқ бўлди. Бу жониворлар йилига ўн мартагача болалаб, яхши парваришланса, ўртача 15 килограмм атрофида вазн йиғар экан. Мана, мўмай даромад манбаи!

Олинган фойданинг бир қисми 300 бош қуён, 170 бош бузоқ боқишга мўлжалланган иморатлар қурилишига сарфланаётир. Бундан ташқари, 12 минг дона парранда парваришланадиган товуқхона қурилди, у тўлиқ ишга тушса, кунига ҳозирги 5 минг ўрнига 50 минг дона тухум сотиш имконияти юзага келади. Бунга туташ жойда қурилаётган яна бир товуқхонада эса гўшт йўналишида 24 мингдан зиёд товуқ боқилади. Натижада аҳолига парҳез гўшт етказиб бериш ҳажми бундан-да кўпаяди.

Шу билан бирга, фермада гулчилик

Халқ сўзи — Народное слово
ТАНЛОВИГА

йўлга қўйилди, ярим гектар ерда арчазор барпо этилди, ўн сотихли иссиқхона цитрус мевалар етиштиришга ихтисослаштирилди. Барча турдаги зарур техника воситаларининг борлиги ишнинг барорини таъминлаяпти.

Бундай уддабурон фермерларнинг сафи кенг. Демак, насибаси шу жабҳага боғлиқ меҳнаткашларимизнинг моддий манфаатдорлиги ҳам тобора юксалмоқда.

Исақжон Насриддинов каби фермерлар эришаётган муваффақиятлар билан танишар эканмиз, Президентимизнинг 2013 йил 19 июнь куни Жиззах ва Сирдарё вилоятларига ташрифи чоғида айтган сўзлари рўёбига гувоҳ бўлдик.

“Ҳаммамизга маълумки, совет тузуми даврида хусусий мулк бўлмаган. Биз собиқ совет тузумининг асоратларидан фермерларга ер ажратиб, уларда мулкдорлик ҳиссини шакллантириш орқали халос бўла бошладик. Бугун фермерлар — мамлакатимизнинг устунига айланди. Устун эса таянч демакдир, — деган эди давлатимиз раҳбари фермерлар билан учрашувда. — Лекин фақат деҳқончилик ва чорвачилик билан фаровонликка эришиб бўлмайди. Фермерларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш лозим. Чунки фермерлик ҳаракати иқтисодиётимизни ривожлантиришга, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга хизмат қиладиган қудратли кучдир”.

### Меҳнатни қадрлаш йўлидан

Фермерларимизнинг пешона тери билан топган даромади беҳад тотли, аммо ўта машаққатли. Шу боис улар фаолияти доимий ғамхўрликка муҳтож. Давлатимиз раҳбари Қашқадарёда бўлган анжуманда мана шу масалага алоҳида урғу бериб, таъбир жоиз бўлса, фермернинг дардини давлатнинг дарди сифатида кўришимиз керак, деган ўта одилона сўзни айтди. Бунинг учун фермерлар етиштираётган маҳсулотлар бозорини ташкил этиб бериш, қандай масалалар муҳокама қилинмасин, меҳнаткашлар манфаатини биринчи ўринга қўйиб иш кўриш, уларга мунтазам кўмаклашиш давлат ва маҳаллий ҳокимликларнинг диққат-эътиборида туриши лозимлигини алоҳида таъкидладилар.

Фарғонада масаланинг бу жиҳати ҳам доимий диққат-эътибор марказида. Қишлоқ хўжалигини тобора кенг тармоқли соҳага айлантириш ишларига киришиш, аввало, етарлича маблағга эга бўлишни талаб қилади. Шуни назарда тутиб, янги ташкил этилаётган тармоқларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида банклар томонидан қорамолчиликка 16 миллиард 254 миллион, паррандачиликка 1 миллиард 482 миллион, интенсив боғ яратишга 1 миллиард 12 миллион, анъанавий усулда боғ ташкил этишга 255 миллион, токзорлар барпо қилишга 162 миллион, балиқчиликка 649 миллион, асаларичиликка 451 миллион, гўштни қайта ишлашга 565 миллион, сутни қайта ишлашга 1 миллиард 670 миллион, мева-сабзавотни қайта ишлашга 635 миллион сўмлик кредит ажратилиши белгиланган. Уларнинг ижроси эса назорат қилиб келинмоқда.

Таъкидлаш керакки, бу тармоқларни техника кучи, ёнилғи, минерал ўғит сингари зарурий воситалар билан узлуксиз таъминлаш юзасидан ҳам зарур чора-тадбирлар кўрилаяпти. Вилоят фермерлар кенгаши эса қишлоқ мулкдорларининг талаб-истагини ўрганиш, ишнинг олға силжишига тўсиқ бўлаётган омилларни аниқлаб, уларни зудлик билан ҳал қилиш пайидан бўлмоқда.

Бундай хайрли саъй-ҳаракатлар тезда ўзининг ижобий натижаларини бера бошлашига фарғоналикларнинг ишончи комил.

### Икки саодат шукронаси

Ниятлар қанчалик эзгу, мақсадлар нечоғлик улуғвор бўлмасин, уларнинг юзага чиқишида инсон омили барибир биринчи ўринда туради. Хўш, фермерларимизнинг бугунги кайфияти қалай?

Улардан бири Президентимиз Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўллаган табригида фермерларни матонатда тенгсиз, пахтасидек кўнгли оқ кишилар деб баҳолаганидан жуда тўлқинланиб кетгани, яна бирови шовваз оғир атлетикачимиз Руслан Нурудинов ўз мураббийи Баҳромжоннинг “Кўтар!” деган ҳайқириғи остида ўзгаларга бўйсунмаган оғирдан-оғир “ғалтактош”ни ҳавога даст кўтаргани-ю, бошқаси эса фарзанди университетга кириб олганини ёйилиб баёнлашга тушгани каби ҳолатлардан келиб чиқилса, бу азаматлар дала заҳматларини унча писанд қилмаётгандек туюлади. Нимасини айтасиз, бағри бутун-да, зуваласи пишиқ-да!

Дарҳақиқат, далачиларимизнинг ҳақиқатан ҳам иродаси метин, сабри дарё, хоҳ табиат инжиқликлари, хоҳ турмуш ташвишлари уларни қандай синовлардан ўтказмасин, зорланиб гапиришни ёқтиришмайди, мунғайишдан андиша қилишади. Маҳалламизнинг маслаҳатгўй ва ҳалол кишиларидан бўлган раҳматли Сотволди тоға деҳқоннинг ичини оғритганнинг, ҳақига хиёнат қилганнинг уйида ҳаловат бўлмайди, деб қўйгучи эди, бу бежиз эмас, юзидан ройиш ёғилиб турувчи деҳқонлар фаришталарнинг ердаги соясига ўхшаб кўринади. Улар тез-тез такрорлаб юрадиган калом ҳам феълларига ярашиқли:

— Энг кераклиси — юрт тинч турсин, саломатлик бўлсин, у-бу камчиликлар битта-битта битаверади...

Ризқ яратишдан чарчамайдиган, берганини миннат қилмайдиган, ўта олиҳиммат, ўта шукрли инсонлар орасида кун кечиришнинг ўзи бир саодат, лоақал кўнгилларини сўз билан кўтариб, уларга, озми-кўпми, тиргак бўла олиш эса икки саодатдир.

**Анвар ОБИДЖОН,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

Реклама ўрнида







## МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

***Ҳазорасп туманидаги ноёб ёдгорликлардан бири — Хумбузтепада олиб борилаётган археологик қидирув ишлари натижасида милоддан аввалги V-IV асрларга оид зардўштийлик ибодатхонаси қолдиқларининг янги намуналари топилди.***

# Қадимий топилма

Бу қадимий ёдгорлик ўша даврда кулолларнинг ибодатхонаси бўлганлиги тахмин қилинмоқда.

Гап шундаки, сўнгги уч йил давомида Хумбузтепада Хоразм Маъмун академиясининг археолог олимлари олиб борган тадқиқотлар илм-фан оламига ноёб топилмаларни ҳадя этди. Бу эса Хоразм воҳасининг қадимий тарихини ўрганишда жуда қўл келади.

Хоразм Маъмун академияси лойиҳа раҳбари, тарих фанлари номзоди Сергей Баратовнинг таъкидлашича, ҳозир ибодатхонанинг учдан икки қисми, яъни 25 метр ҳажмли майдонида қазишма ишлари олиб борилмоқда. Топилманинг ғарбий қисмида оташгоҳ жойлашган бўлиб, унда уч тарихий даврга оид қайта қуриш ва таъмирлаш ишларининг излари сақланиб қолган. Ибодатхона доира шаклидаги мудофаа минораларига ҳам эга бўлган.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Моҳир кулоллар кўргазмаси

***Нарзуллаевлар сулоласи вакиллари тайёрлаган халқ амалий санъати намуналари Германия, АҚШ, Япония, Италия, Ҳиндистон сингари қатор давлатларда ўтказилган халқаро кўргазмаларда намойиш этилган.***

Ғиждувон кулоллик мактабининг энг яхши анъаналарини давом эттираётган ҳунармандлар яқинда Бухоро санъат музейида ўз кўргазмаларини ташкил қилдилар.

Мазкур тадбир халқ амалий санъати ихлосмандлари, жумладан, қадимий Бухорони томоша қилиш учун келган чет эллик сайёҳларнинг ҳам катта қизиқишларига сабаб бўлди. Негаки, кўргазмадан сулоланинг тўнғич вакилларидан бири — уста Ибодулла ҳамда Ўзбекистон халқ устаси, республика Бадиий академияси аъзоси Алишер Нарзуллаевнинг ижодий меҳнати маҳсули саналган нодир буюмлар ўрин олган эди. Мутахассислар, хусусан, санъатшунослик фанлари номзоди, доцент Бахтиёр Бўроновнинг фикрича, сулола вакиллари тайёрлаган кўза, коса, шокоса, қанддон, товоқлар ранглари жилоси, нақшлари бетакрорлиги билан миллий ҳунармандчилигимиз бой анъаналарга эга эканлигидан далолат беради.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02

“Ўзбекфильм” ОАЖ жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Лола Элтоевага волидаи муҳтарамаси **МАВЖУДА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 74 560 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.45 Топширилди — 22.40 1 2 3 4 5